

Баъзи рўзадорлар рамазон ойида...

15:13 / 21.06.2017 2745

Баъзи рўзадорлар рамазон ойида, ҳали болаларга фарз бўлмаган деган фикр билан ёш болаларни рўза тутишга одатлантиришда камчиликка йўл қўйишади. Болалар ҳали балоғат ёшига етмасларидан олдин рўза тутишга одатлантириш маҳбуб амаллардандир. Хусусан бунга кучи етадиган болаларга шундай қилишга буюрилган.

Рубайийи бинт Муъаввиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

"Биз балоғатга етмаган болаларимизга ҳам рўза туттирадиган бўлдик. Уларга юнгдан ўйинчоқ қилиб берар эдик. Бирортаси овқат деб йиғласа, ифтор вақти бўлгунча унга ўшани бериб қўяр эдик".

Муттафақун алайҳ.